

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИНИ ЗАРУРЛИГИ ВА МОҲИЯТИ

Хайитов Жамшид Холвоевич

“Рақамли иқтисодиёт” кафедраси ассистенти.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти.

Ўзбекистон. jamshidhayitov@sies.uz.

Аннотация ушбу мақолада давлатнинг иқтисодий ҳаётида бюджет харажатларининг роли ва аҳамиятини аниқлаш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: давлат бюджети, бюджет, тақсимот, молия тизими, “давлат харажатлари”, “давлат истеъмолига”.

Аннотация В статье даются предложения и рекомендации по определению роли и значения бюджетных расходов в экономической жизни государства.

Ключевые слова: государственный бюджет, бюджет, распределение, финансовая система, «государственные расходы», «государственное потребление».

Abstract The article provides suggestions and recommendations for determining the role and significance of budget expenditures in the economic life of the state.

Key words: state budget, budget, distribution, financial system, “public spending”, “public consumption”.

Давлатнинг ўз функциялари ва вазифаларини бажариши билан боғлиқ равишда вужудга келган чиқимлар бюджет харажатлари дейилади. Бу чиқимлар давлатнинг марказлаштирилган пул фондлари маблағларини турли йўналишлар бўйича фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни ифодалайди. Бюджет харажатлари умумий молиявий категория бўлган бюджетнинг кўринишларидан бири бўлиб, унга тегишли бўлган умумий хусусиятларга эгадир, яъни улар тақсимлаш характериغا эга, ифодаланишининг пул шакли хос, пул фондларининг амал қилиши билан боғланган ва давлат томонидан ташкил қилинади. Шу билан биргаликда бюджет харажатлари бир бутуннинг ўзига хос қисми бўлганлиги учун улар давлатнинг

марказлаштирилган пул фондлари маблағларидан фойдаланиш ва тегишли фондларни шакллантириш билан боғлиқдир. Бу тақсимлаш муносабатларининг моддий-буюмлашган шакли турли соҳаларга йўналтирилаётган бюджет маблағларининг ҳаракатидан иборат. Бюджет харажатларининг иқтисодий моҳияти унинг турли-туман кўринишлари (турлари) орқали намоён бўлади. Харажатларнинг ҳар бир тури эса ўзининг миқдорий ва сифат характеристикасига эга. Бунда уларнинг сифат характеристикаси воқеликнинг иқтисодий табиатини ифодалаб, бюджет харажатларининг мўлжалланганлигини, миқдорий характеристика эса уларнинг ўлчамини (миқдорини, ҳажмини) аниқлашга имкон беради. Бюджет харажатлари чиқимларнинг конкрет турлари орқали намоён бўлади. Бюджет харажатлари конкрет турларининг хилма-хиллиги эса, ўз навбатида, қуйидаги омилларнинг мавжудлиги билан белгиланади: давлатнинг иқтисодий табиати ва функциялари; мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси; бюджетнинг миллий иқтисодиёт билан боғланганлиги; иқтисодий муносабатларнинг ривожланганлик даражаси; бюджет маблағларининг намоён бўлиш шакллари ва ҳ.к.

Бу омилларнинг қўшилиши ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг маълум бир босқичида ҳар қандай давлат бюджет харажатларининг у ёки бу тизимини вужудга келтиради. Жамиятнинг иқтисодий ҳаётида бюджет харажатларининг роли ва аҳамиятини аниқлаш учун уларни маълум белгиларга кўра туркумлаштириш мақсадга мувофиқ. Назария ва амалиётда бюджет харажатларини классификация қилишнинг бир неча белгилари мавжуд. Улар ўзларининг иқтисодий мазмуни, функционаллиги, ижтимоий тақрор ишлаб чиқаришдаги роли, ишлаб чиқариш тармоқлари ва фаолият турлари ёки идоравий бўлиниши, ижтимоий мўлжалланганлиги бўйича, ҳудудий туркумланиши, маълум мақсадлари ва юридик нуқтаиназардан ёки давлат бошқаруви даражасига кўра алоҳида гуруҳларга ажратилиши мумкин.

Давлат бюджетида, молия тизимининг бошқа бўлинмаларидан фарқли ўлароқ, икки тушунчанинг терминологик қўшилиши мавжуд:

- 1) бюджет – иқтисодий (молиявий) категория сифатида;
- 2) бюджет – мамлакатнинг асосий молиявий режаси сифатида.

Айрим ҳолларда Давлат бюджетининг моҳияти фақат мамлакатнинг асосий молиявий режаси сифатида талқин этилади. Буни тўғри деб эътироф этиб бўлмайди. Чунки иқтисодиётга тегишли бўлган ҳар қандай режа у ёки бу иқтисодий категориянинг намоён бўлиш шаклларида бошқа нарса эмас. Шунга мувофиқ равишда, давлатнинг асосий молиявий режаси Давлат бюджети (умумдавлат молияси) категориясининг намоён бўлиш шаклидир. Бошқача сўзлар билан айтганда, давлатнинг асосий молиявий режаси сифатида бюджет иқтисодий категория сифатида бюджетга хос бўлган хусусиятлар мажмуининг намоён бўлишидир. Иқтисодий категория ва мамлакатнинг асосий молиявий режаси сифатида уларнинг “Давлат бюджети” деб бир хил номланиши предметнинг моҳиятини ўзгартирмайди ва Давлат бюджетини иқтисодий (молиявий) категорияларнинг таркибидан чиқаришга ҳеч қандай асос бўла олмайди. Бундан келиб чиқадиган асосий хулоса шундан иборатки, Давлат бюджети дейилганда, энг аввало, икки тушунчанинг қўшилишини тушунмоқ керак: биринчиси давлат миқёсида ялпи ички (миллий) маҳсулотни тақсимлаш натижасида вужудга келадиган иқтисодий (молиявий) муносабатлар (иқтисодий категория) ва иккинчиси шу категориянинг намоён бўлиш шакли сифатида давлатнинг асосий молиявий режаси.

Ялпи ички (миллий) маҳсулотни тақсимлашнинг молиявий инструменти (воситаси) сифатида Давлат бюджети бошқа хусусиятларга ҳам эга. Агар молия ёрдамида тақсимлаш қийматнинг шакллари ўзгарган шароитда ва кўплаб олди-сотдилар натижасида амалга оширилса, ялпи ички (миллий) маҳсулотнинг Давлат бюджети орқали тақсимланиши, маълум даражада, ҳар доим алмашувдан ажралган ҳолда содир бўлади. Қийматнинг Давлат бюджети орқали ҳаракатланиши моддий маҳсулотнинг ҳаракатидан тўлиқ узилади ва соф қиймат характери касб этади. Фақат Давлат бюджетидан ташқарида, бюджет ресурслари сарфланаётганда яна тақсимлаш ва алмашув операцияларининг

кўшилиб кетиши содир бўлади.

Молия тизимининг бошқа барча бўлинмалари ва бошқа иқтисодий (молиявий) категориялар (баҳо, иш ҳақи, кредит ва бошқалар) билан чамбарчас боғлиқлик ҳам Давлат бюджетига хос бўлган хусусиятдир.

Давлат бюджетининг моҳиятини очиб беришда у орқали амалга ошириладиган тақсимлаш жараёнларининг мазмунини кўриб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ялпи ички (миллий) маҳсулотни Давлат бюджети орқали тақсимлаш, бир вақтнинг ўзида, ўзаро боғланган ва маълум даражада нисбатан мустақил ҳам бўлган уч босқичга эгадир:

- 1) умумдавлат пул фондини шакллантириш (бюджет даромадлари);
- 2) ҳудудий ва маълум мақсадларга мўлжалланган кўп сонли бюджет фондларини яратиш;
- 3) бюджет фондидан фойдаланиш (бюджет харажатлари).

Давлат бюджети орқали ялпи ички (миллий) маҳсулотни тақсимлашнинг бу уч босқичлари бир вақтнинг ўзида ва узлуксиз содир бўлсада, бу нарса уларнинг нисбатан алоҳидалигини ҳам инкор этмайди. Бу босқичларни бўлиш (ажратиб олиш) ва уларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқиш орқали бюджетли (бюджет орқали) тақсимлашнинг характери, шакли ва методлари тўғрисида осонроқ ва аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Биринчи босқичда юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган пул маблағларининг бир қисмини давлатнинг қўлида концентрациялаштириш (тўплаш, жамлаш, олиш) содир бўлади. Ана шу асосда маблағларни олувчи сифатида давлат билан маблағларни тўловчилар ўртасида молиявий (бюджет) муносабатлар(и) вужудга келади. Бу муносабатлар, асосан, мажбурийлик (императивлик) характерига эгадир. Бу босқичдаги тақсимлаш жараёнларининг характерли хусусияти шундан иборатки, бюджетга тушувчи маблағлар алоҳидалашган (ажратиб олинган) бўлиб, ҳали улар қатъий аниқ чекланмаган (чегараланмаган). Уларнинг барчаси ҳозирча ягона мақсадга – умумдавлат

эҳтиёжларини қондиришга – йўналтирилган. Давлат пул фондининг алоҳидалигига аниқ мақсадларга мўлжалланган фондларни кристаллизация қилиш бошланганда барҳам берилади.

“Давлат харажатлари”, “давлат истемоли” каби иқтисодий тушуичалар жаҳон иқтисодчи олимлари томонидан кўпдан буён мунозара қилиниб келинади. Шулардан айримларининг юритган фикрларга эътибор қаратадиган бўлсак, хусусан, Кэмпбелл Р. Макконнелл, Л. Брюларнинг “Экономикс” китобида “Давлат харажатлари икки турга бўлинади. Булар, давлат харидлари ва ижтимоий трансфертлардан иборат дейилади. Давлат харидлари - бевосита ижтимоий маҳсулот (хизмат ва ишлар) яратиш учун қилинган харажатлар бўлиб, мазкур харажатлар миллий маҳсулот таркибига ўз ҳиссасини қўшади. Трансферт тўловлар эса давлат даромадларини қайта тақсимлаш жараёнида кам таъминланган аҳоли қатламига ижтимоий нафақалар ва тўловлар кўринишидаги давлат харажатлар¹³ деган фикрларни олға сурадилар.

Инглиз иқтисодчиси А. Смит, ҳукумат (давлат) вазифаларини таҳлил қилиб, уларга ноиқтисодий тус бериш билан чеклаб қўйган. Унинг фикрича, ушбу вазифалар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- мулкчилик ҳуқуқларини муҳофаза қилиш;
- мамлакат мудофаасини таъминлаш;
- баъзи ижтимоий хизмат турларини бажариш.

Ижтимоий хизмат билан машғул бўлган давлат хизматчиларининг меҳнатига ҳақ тўланиши шарт деб кўрсатади. Бунда, А.Смит хасислик ёки ўта сахийлик билан тўланган ҳақ жамиятга хизмат қилиш ишига фақат зарар келтириши мумкин деб, давлат хизматчилари меҳнатига кам ҳақ тўлаш ушбу муҳим ижтимоий иш ижрочиларининг ишга ноқобиллигини келтириб чиқаради, ортиқча пул тўлаш эса ушбу ишни амалга оширишда дангасалик ва совуққонликка сабаб бўлиб, бу эса яна ҳам каттароқ зарар келтиради. Ишлаб

¹³ Кэмпбелл Р. Макконнелл, Стэнли Л. Брю. “Экономикс” Принцип, проблемм и политика. Москва, 1997 год. 118-стр. 1-книга.

чиқариш инфратузилмаларини яратиш бўйича ижтимоий иишар (йўллар, каналлар, кўприклар, портлар қуриш ва таъмирлаш), А.Смитнинг фикрига кўра, фойдаланувчиларнинг тегишли бадаллари ҳисобига ва фақат фавқулотда ҳоллардагина давлат бюджети ҳисобига маблағ билан таъминланиши лозим.¹⁴

«Давлат истемоли», «давлат харажатлари» масаласида Ўзбекистон иқтисодчи олимларининг ҳам турли иқтисодий адабиётларда, мақола ва бошқа нашрларда келтирилаётган фикрларини таҳдил этиб кўриш мумкин. Жумладан, “Иқтисодиёт назарияси” олий ўқув юртлари учун дарсликда А.Улмасов ва А.Вахабовларнинг фикрича, Давлат харажатлари давлат молияси сифатида давлат бюджет харажатларидан иборат. Давлат харажатлари унинг даромадига қараб шаклланади ва қуйидаги йўналишда боради:

1. Ижтимоий соҳа харажатлари.
2. Инвестиция харажатлари.
3. Миллий хафсизлик ва ички тартибни сақлаш харажатлари.
4. Бошқариш харажатлари.
5. Ташқи қарзни узиш харажатлари сифатида қаралган. Улар яна давлат даромадлари ва харажатларини икки даражада боради деб кўрсатадилар.

1. Юқори даража - бу марказий бюджет даражаси.
2. Қуйи даража - бу ҳудудий ва муниципал (махаллий) бюджетлар даражаси деб кўрсатганлар.¹⁵

«Давлат истеъмолия»га мавжуд иқтисодий луғатларда қуйидагича таърифлар берилган. Давлат истеъмоли - иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмани, халқ хўжалигининг давлат тармоқларини, ҳарбий ва оддий кўринишдаги товар ва хизматлар хариди ҳамда давлат муассасаларининг жорий харажатларини таъминлаш учун давлат томонидан қилинган харажатлар мажмуасидир¹⁶ дейилган.

Юқорида келтирилган фикрлардан кўриниб турибдики “давлат

¹⁴ Блауг М. Экономическая мысль в ретроспективе. Москва. Дсло ЛТД, 1994 год. (Адам Смит). 51-стр. 224

¹⁵ Улмас А. Вахабов А. Иқтисодиёт назарияси”. Шарқ, Тошкент, 2006 й. 386—387-б,

¹⁶ Экономикс. Англо-русский словарь-справочник . Москва. «Лазурь», «Бухгалтерский учёт». 1994 год. 195-стр.

харажатлари” ва “давлат истеъмолига” берилган барча таърифлар бир-бирларига жуда яқин, яъни асосан бир мазмунга эга бўлмоқда. Шунинг учун, биз ҳам уларни инкор этмаган ҳолда фикримизча, “давлат истеъмоли”га қуйидагича таъриф берилса унинг моҳияти кенгроқ очилган бўлар эди деб ҳисоблаймиз. “Давлат истеъмоли” - давлат томонидан ўзининг вазифларини бажариш учун тўпланган даромадларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида қилинган харажатлар мажмуаси бўлибгина қолмасдан, иқтисодиётда рўй берадиган тебранишларни бартараф этишда ҳамда иқтисодий барқарорлиқни таъмишишда иқтисодий дастак вазифасини ҳам утовчи илмий назарий тушунча, яъни иқтисодий категориядир.

Давлат харажатлари марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул жамғармаларидан, яъни марказлаштирилган давлат харажатлари (бюджет) билан бир қаторда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига ҳам амалга оширилади.

Давлатнинг жамиятдаги иқтисодий аҳамияти ҳам шундаки, у ўз функциялари саналувчи халқ хўжалиги тармоқларига молиявий ёрдам кўрсатади, ижтимоий-маданий тадбирларни, миллий муҳофафани, ҳуқуқ-тартибот фаолиятини, суд тизимини, давлат бошқаруви органларини молиявий таъминланишини амалга оширилади. Буларнинг барчаси давлат харажатлари тизимини ташкил қилади. Давлат харажатлари тизими давлатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий фаолияти хусусиятларига боғлиқ бўлади. Шу муносабат билан, “давлат харажатлари” объектив иқтисодий категория бўлиб, икки томонлама хусусиятга эга. Биринчидан, у халқ хўжалиги тармоқларини молиявий таъминлашга қаратилган харажатлардан иборат. Иккинчидан, бу харажатлар корхоналарнинг ва аҳолининг даромадларида ташкил топади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга МУРОЖААТНОМАСИ. (2020 йил 24 январь).

https://nrm.uz/contentf?doc=612868_o%E2%80%98zbekiston_respublikasi_preziden

[ti shavkat mirzieevning oliy majlisga murojaatnomasi \(2020 yil 24 yanvar\)2.](#)

Жўраев А.С. Давлат бюджеты даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. - Т.: Фан, 2004, 224 б.

3. *Маликов Т.С.* Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. - Т., : Академия, 2002. - 279 б.

4. *Маликов Т.С., Хайдаров Н.Х.* Давлат бюджети. - ўқув қўлланма. - Т.: “Иқтисод ва молия”. 2007, - 27 б.

5. *Тошмуродова Б.Э.* Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. - Т.: Янги аср авлоди, 2002. -128 б.

6. *Яхёев Қ.А.* Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. - Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. - 230 б.

7. *Жўраев А.* Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари.-Тошкент: Фан, 2004.- 242 б.

8. *Жумаев Н., Бурханов У.* Молиянинг долзарб муаммолари. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.-382 б.

9. *Зайналов Д.Р. Кучкаров Р.* Усиление роли налоговой политики в условиях реформирования системы налогообложения субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства. -Самарканд: СамИЭС, 2007. -36 с.